



ZAMONAVIY TA'LIMDA TASVIRIY SAN'ATNI O'QITISH MUAMMOLARI

**Султанов Хайтбай Эралиевич
Алимова Нодира Шавкат қизи**

Аннотация: В статье рассмотрены условия создания педагогической деятельности и образования в нашей стране, система индивидуального образования, научно-творческих кружков организованных на основе традиции «Насставник-ученик» при «Учебном центре изобразительно-прикладного искусства и дизайна» ЧДПУ, описаны проблемы и идеи в преподавании изобразительного искусства направленные на их решении. Ключевые слова: изобразительное искусство, учитель-ученик, арт-терапия, теоретические знания, практика, кружок.

Аннотация: Мақолада юртимизда педагогик фаолият ва таълим-тарбия учун яратилаётган шарт-шароитлар, Чирчиқ давлат педагогика университети “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн ўқув маркази” қошида “Устоз-шоғирд” анъанаси асосида ташкил этилган индивидуал таълим тизими, илмий-ижодий тўгараклар фаолияти, тасвирий санъатни ўқитишидаги муаммолар ва уларнинг ечимиға қаратилган фикрлар баён этилган.

Таянч сўзлар: тасвирий санъат, Устоз-шоғирд, арт-терапия, назарий билим, амалиёт, тўгарак.

Рақамли технологиилар кучайиб, ижтимоий-иктисодий тараққиёт тезлашаётган бутунги глобаллашув жараёнида бутун дунёда таълим тизимига янада катта эътибор қаратилаётганлиги барчамизга маълум. Бугунги сифатли таълим, эртанги кучли тараққиёт учун замин яратиши Республикамиз раҳбари 2023 йил киришида Парламентга Мурожаатномасида «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб ном беришни таклиф қилдилар. Унда Президентимиз педагогикамиз, миллатимиз маърифати учун жон куйдирган буюк юртдошимиз Юсуф Хос Ҳожибининг “Заковат бор жойда улуғлик, билим бор жойда буюклик бўлади”¹ деган сўзларини эслатиб ўтдилар. Дарҳақиқат, тўғри ташкил этилган таълим-тарбия буюк келажагимиз, “Учинчи Ренессанс” учун мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қиласди. Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ килишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш² Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг асосий мақсади сифатида белгиланган. Ушбу концепцияда иқтидорли болалар ва истеъододли ёшлар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш тизимини яратишга алоҳида ургу берилганлигини кўрамиз.

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/20/sifatli-talim/#>:

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5712-сон Фармони

Охирги йилларда таълим соҳасига бўлган катта эътибор ҳозирнинг ўзидаёқ ўз натижаларини бера бошлаганига бугунги қунда гувоҳ бўлиб турибмиз. Давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, педагогик фаолият ва таълим-тарбия учун яратилаётган шарт-шароитлар ўқитувчилар, айниқса, педагогик фаолиятга энди кириб келаётган ёш мутаххасислар учун янада катта маъсулият юкланиши эсдан чиқармаслигимиз керак. Бу ислоҳотларни инсон авваломбор ўзидан бошлиши керак деб ўйлаймиз.

Ваҳоланки, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларига таяниб таълим жараёнини қурав эканмиз, ушбу янгиликларни аждодларимиздан меърос бўлиб қолган миллий ўқитиш анъаналарини эсдан чиқармаган ҳолда мослаштириб боришимиз зарур. Бунинг учун эса миллий педагогикамиз тарихини чукур ўрганишимиз, соҳадаги янгиликларни доимий кузатиб боришимиз керак бўлади. Ёшлардаги ўзи танлаган соҳаси ва ҳаётий фаолиятида учрайдиган муаммоларни ечиш учун унга ижодий ёндашиш, тўғри қарорлар қабул қилишга ўрганиш, чукур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишларини талаб қиласди, албатта. Ҳозирги пайтда ёшлар учун назарий билимларни амалиётда қўллашга ўрганиши, танлаган касбий соҳасига кўнишиб бориши учун давлатимиз томонидан яхши имкониятлар берилган. Талабаларимиз ўқув жараёнини бевосита амалиёт билан боғлаган ҳолда таълим олишмоқда.

Таълим жараёнига индивидуал ёндашув технологияларини татбиқ этиш, илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш борасида “тасвирий санъат ва дизайн” кафедраси жамоаси томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Кафедрада университет ректорининг 2023 йил 31 январдаги 01-17-сон “Университетда талабаларни индивидуал ёндашув асосида илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган. Талабаларда илмий-тадқиқот ишларига нисбатан ижобий эмоционал муносабат муҳити яратилган деб bemalol айта оламиз, “Устоз-шогирд” тизимида тажрибали профессор-ўқитувчиларидан уларга индивидуал тарзда фаолият олиб боришилари учун илмий раҳбарлар бириктирилган. Мана шундай тизимда ишлаб, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришни ҳоҳлайдиган талабамизнинг оддий фикрлари мана шу амалга оширилаётган ишларнинг қанчалик натижадорлигининг исботи деб ўйлаймиз. Педагогика соҳаси ва илмий тадқиқотга эндигина кириб келаётган ёш шогирдимизнинг шахсий қарашлари бўйича мулоҳазаларини ўзгартирмай сизга ҳавола этамиз.

Нодиранинг фикрлари: университетда кечки таълим шаклида таҳсил олиш билан бирга хусусий мактабда педагогик фаолиятини бошладим. Бу ерга келгунимча, университетимиз “Тасвирий санъат ва дизайн” кафедраси қошидаги маҳалла ва Чирчик шаҳри мактабларидан келадиган ўқувчилар учун ташкил этилган “Арт-терапия” тўғарагига раҳбарлик қилишим, педагогик тажрибамни оз бўлсада ошиши, ўқувчилар билан ишлашга кўнишишмага сабаб бўлди. Кафедрада педагогика ва психология кафедралари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Арт-терапия» таълими болалардаги тез тушкунликка тупшиш, асабийлик, руҳий зўриқиши, ҳар хил турдаги ички қўркув (фобиялар)ни камайтириш, ўзига ишонч ва ўзгалар билан дўстона муносабатни шакллантириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдамлашиш, уларнинг руҳий ҳолатини тиклаш ва уйғунлаштириш, унинг ўзини тутишнинг энг яхши усусларини топиш қобилиятини шакллантиришни мақсад қиласди. Арт терапия – муайян санъат шаклига мансуб жанр бўйича ҳам, психокорректив терапевтик қўлланилиш йўналиши ва технологияси бўйича ҳам аниқланадиган фарқ ва хусусиятларга эга бўлган



психокорректив методлар мажмуудир³. Ҳозирда ҳам ишлаш билан биргаликда ушбу тўғаракда машғулотлар олиб бормоқдаман. Эришаётган ютуқларимиз ҳам талайгина. Кафедрамиз қошида Устоз-шогирд анъаналарига асосланиб ташкил этилган “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн ўқув маркази”, ундаги илмий ва ижодий тўғараклар, турли лойиҳалар талабаларнинг ҳар хил йўналишларда фаоллашишига хизмат қиласди. Ундаги машғулотлар турли-туман ва қизиқарли. Мен ушбу марказдадаги тўғаракда икки йилдан бери 4 ёшдан 16 ёшгacha бўлган болалар билан ишлаб, педагог учун зарур бўлган тажриба ва кўникмаларга эга бўлмоқдаман. Устозларим бўлажак ўқитувчи доимо ўз устида ишлаши, илмий ва ижодий томондан ўз имкониятларини кенгайтириб бориши кераклигини кўп таъкидлашади. Бу ердаги шароитда ўқимаслик, билимларни ўзлаштиришга ҳаракат қилмасликнинг ўзи гуноҳ. Мен ижодий ишларим ва маҳоратим орқали шогирдларим хурматига сазовор бўлиш, ҳар томонлама уларга ўrnak бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Шунингдек, устозларим, чет эл мутахассислари тажрибасини ўрганиб, тасвирий санъатни ўқитишнинг янги услубларини мукаммал ўзлаштиришга ҳаракат қиласман, педагогик фаолиятимда ўз услубимга эга бўлиш, энг охирги янгиликларни амалиётга жорий этишни ҳоҳлайман.

Балки, бу қисқа фурсатдаги фаолиятимда тасвирий санъатни ўқитишдаги муаммолар ҳақида гапиришга ҳали тажрибам ҳам етишмас. Лекин, университетдаги устозларим, мактабдаги тажрибали ҳамкасларим менга ушбу мақолани ёзишга ва ўз фикримни баён эта олишим учун мотивация беришди. Агар тушунмай хато қилсанам, кўп йиллик тажрибага эга бўлган Устозлар буни тўғри тушунишар. Балким, ўз маслаҳатлари билан менинг фикрларимни тўлдиришар деган умидда, ҳозирги таълим ҳақида фикрларимни баён қилишга жазм этдим. Замонавий дарс машғулотларида ўқувчилар ҳар бир фан, керак бўлса ҳар бир мавзу борасида ҳодиса ва моҳиятни, сабаб ва оқибатни англаши, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғланиш, муносабат ва мувозанатларни тушуниши, таққослаш, солиштириш ва мантиқий хуносалар чиқариш қўнимасига эга бўлиши лозим бўлади⁴. Бу дегани баркамол шахс ривожланишида унинг ҳаётий фаолиятини тўғри қуриши учун етарли билимларга эга бўлиши талаб этилади. Кўз тегмасин, юқорида айтганимиздек таълим тарбия учун бизда барча шароитлар яхши. Менинг назаримда яратилган шароит, яхши имкониятлар билан бирга таълим тизимимизда айрим хато ва камчиликлар кўплаб учраб турибди. Мана шундай вазиятни тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишда ҳам кузатиш мумкин. Боғча ва мактаблардаги асосий болаларнинг кўпчилиги тасвирий санъатни жуда яхши қўришади ва бу фаолият билан шуғулланиш улрга ўзгача завқ бағишлийди. Бу дарсни ўқувчилар ҳафталаб кутишади. Лекин, кўпчилик мактабларда тасвирий санъатни иккинчи даражали фан деб паст назар билан қараш ҳолатлари кўп учрайди. Баъзи ота-оналар ҳам фарзандларининг бу соҳага қизиқканлигига эътибор беришмайди, ёки ундан қайтаришга ҳаракат қилишади. Бу билан улар келажагимиз бўлган ёшлардаги табиаъдаги, инсон ҳаётидаги гўзалликни ҳис қилиш, қўриш, завқланиш имкониятидан маҳрум қилишади деб ўйлайман. Менинг бу фикрга келишимдан сабаб, тўғаракка кўзлари ёниб келадиган, келса уйга ҳам кетгиси келмай қоладиган ўқувчиларимнинг ота-

³ Султанов, Марасулова И.М., Абдухамидов Қ., Алимова Н.Ш. Кластер ёндашувидаги «Арт-терапия» таълими - фанлар интеграциясини амалга ошириш омили //Материалы международной научно-практической конференции «Перспективы развития образовательного инновационного кластера» 2022.5.20, том 1, №1-606-613 б.

⁴ Султанов Х.Э Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири // Замонавий таълим / Современное образование 2022, 9 (118). -50-56 б.



оналарининг муносабати, бу тўгаракка келишларига тўсқинлик (барча ота-оналар демоқчи эмасман) қилишини кўрганим бўлди. Тасвирий санъатни ўқитишдаги яна бир энг катта хатолардан бири бу бошланғич синфларда олий маълумотли мутахассис ўқитувчиларнинг дарс бермасликларида деб биламан. Бу дегани, кўпгина мактабларнинг бошланғич синфларида тасвирий санъат дарсларини мутахассислиги бошқа бўлган ўқитувчилар ўтишади.

Бундай бефарқлик оқибатида, инсоннинг идроки, ҳиссий тафаккури ҳамда тасаввурини ривожлантириш муҳим бўлган ёнда уларнинг тўла-тўкис ривожланишига сабаб бўлиб қоламиз. Ушбу соҳага тегишли бази маълумотлар ҳақида тушунча ололмай қолаётган кичик синф ўқувчилари ўрта синфга келишганда бу камчилик яққол сезилиб қолади. Тўғри бу бир оддий ҳолатдек туюлади лекин афсуски, биз арзимаган эътиборсизлик оқибатида шахсни тарбиялаш учун керак бўладиган муҳим ғиштни нотўғри қўйиб қўямиз. Тасвирий санъат қонун-қоидалари анча мураккаб ва мактаб дастурларида уни босқичма-босқич ўрганиш кўзда тутилади. Бошланғич синфларда тўғри ўзлаштирилмаган билимларни 5,6,7- синфларга бориб ўзлаштиришга улгуриб бўлмайди. Таълимга бундай ёндашув билан биз ҳоҳлаган мақсадимизга эриша олмаймиз. Инсон фаолиятида барча соҳалар муҳим, шу жумладан, инсониятнинг ижтимоий, маданий, ҳатто иқтисодий ривожланишида ҳам тасвирий санъат алоҳида аҳамият касб этади⁵ деб таъкидлайди кўп йиллик тажрибага эга бўлган педагог. Шунинг учун ҳам бу фанни ўқитишга бефарқ бўлишимиз нотўғри деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки, билдирилаётган ишонч ва имкониятлардан йўғри фойдалана олишимиз, танлаган соҳамиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшиш биз учун олий мақсад бўлиши керак. Кластер ёндашувида татбиқ этилганда «арт-терапия» таълими тасвирий санъат, педагогика ва психология фанларларининг интеграциясини амалга ошириш омили сифатида албатта ўзининг ижобий натижаларини беради. Тасвирий санъат фанини ўқитишни боғчадан бошлаб то юқори синфларгача ўз мутахассисларига бериш ёш авлод таълим-тарбияси учун жуда муҳим ва таълим жараёнида буни ҳисобга олиш зарур деб ҳисблайман.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5712-сон Фармони;
2. Султанов Х.Э. Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири //Замонавий таълим / Современное образование 2022, 9 (118). - 50-56 б.
3. Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Абдухамидов Қ.Я., Алимова Н.Ш. Кластер ёндашувидаги «Арт-терапия» таълими - фанлар интеграциясини амалга ошириш омили //Материалы международной научно-практической конференции «Перспективы развития образовательного инновационного кластера/ Чирчик, May 20-21, 2022. -606-613 б.

⁵ Султанов Х.Э. Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири / Замонавий таълим / современное образование 2022, 9 (118). -50-56 б.

4. Султанов Х.Э., Бойназарова Н.Х., Бердиев Д.А., Мирсоатова Л.Ү., Маматқаримова М.Т. Кластер ҳамкорлигига ижодий фаолиятни ташкил этишнинг ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти //Материалы международной научно-практической конференции «Перспективы развития образовательного инновационного кластера/ Чирчик, May 20-21, 2022.-613-621 6.
5. KE Sultanov Cluster Approach in Fine Art Education as a Factor for Improving the Educational System //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding/ Volume 9, Issue 2 February, 2022 Pages: 585-593 2022;
6. Boltaboevich, B. B. (2020). Formation of the skills of portraying the future teacher of fine arts in pencil drawing //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal/ 10 (5), 1122-1127.
7. Doston Abduvoitovich Berdiyev Maktablarda tasviriy san'at fanini o'qitishda keljak ta'limi steam interaktiv ta'limini rivojlantirish // "Science and Education" Scientific Journal/ February 2022 Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;
8. Laylo Mirsoatova Use of innovative methods in the development of students' creative abilities //Current research journal of pedagogics/ volume 03 issue 01Pages: 45-49;
9. Байметов Б.Б., Султанов Х.Э., Муратов Х.Х., Сабиров С.Т. Научно-теоретические аспекты формирования композитционных способностей у студентов на занятиях по живописи //Современная научная мысль Всероссийская научнопрактическая конференция -с.87;
10. Sultanov H.E. Tasviriy sanat mashgulotlarida talabalarning izhodiy kobiliyatini rivozhlantirishda innovation technology lardan foydalanish//Zamonaviy talim/ №11,2016.:61 b.;
11. Байметов, Б. Б., Султанов, Х. Э., & Муратов, Х. Х. (2019). Психологические основы активизации творческих способностей студентов в процессе практических занятий. Вестник науки, 1(7), 67-71.
12. Sultanov X.E. The use of innovative technologies in the lessons of fine arts for the development of creative abilities of students / Scientific-practical, popular journal of modern education // Т. №11 2016. B.-59-65;
13. S.K. Eralievich, MI Mukhamatsultonovna, BI Saidazimovich, AR Turgunovich, The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education /International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Том 24 №5 -2020: ст. 6586-6591;
14. SS Tursunmurotovich, SX Eraliyevich, IU Shuhratovich, Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books / International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Том 24 №5 -2020: -ст. 3526-3533;
15. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). Theoretical basis of cluster approach in fine arts education. Journal of Critical Reviews, 7(9), 108-111;

16. Sultanov Kh.E. Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: 3877;
17. Eraliyevich, S. H. (2021). Shaping Students' Spiritual Worldviews Through Fine Arts. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(05), 79-86.
18. Sultanov N.E., Marasulova I.M, Yunusova K.H. Training cluster cooperation and preliminary results /2th International Multidisciplinary Scientific Conference on Ingenious Global Thoughts Hosted from Berlin, Germany// April 30th 2021: p 224-228;
19. Султанов Х. Э., Худайбердиев П. У., Собиров С. Т. Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени // Педагогика «Молодой учёный» . № 4 (138) . Январ, 2017.-с.385-388;
20. Султанов Х.Э., Турсунбоева М.О. “Талабалар ижодиёти” клуби фаолиятининг таълим кластери ҳамкорлигидаги аҳамияти //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 1. – С. 255-260.
21. Sultanov X.E. Development of creative abilities of students in the system of continuing education (on the example of fine arts lessons). // “Modern education” popular science magazine, №4, 2016. p14.
22. Saodat Makhkamova Bakhtiyorovna. (2021). Questions of preparing future teachers for artistic gafur abdurakhmanov analysis of works of fine art in school. Euro-Asia Conferences, 5(1), 13-18.
23. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства // “Молодой учёный”, научный журнал, №4 2016. С. 833;
24. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (тасвирий санъат дарслари мисодида). // “Замонавий таълим” илмий-оммабоп журнали, №4, 2016. -14 б.
25. Sultanov Kh.E., Marasulova I..M., Bakhriev I.S. Ankabaev R..T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education/International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6586-6591.
26. [https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/20/sifatli-talim/#:](https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/20/sifatli-talim/#:~:text=Султанов%20Х.Э.%2C%20Марасулов%20И.М.%2C%20Бахриев%20И.С.%20Анкабаев%20Р.Т.%20The%20Need%20for%20Creation%20of%20a%20Cluster%20of%20Pedagogical%20Innovations%20in%20the%20System%20of%20Continuous%20Education%2FInternational%20Journal%20of%20Psychosocial%20Rehabilitation%2F%20Vol.%2024,%20Issue%2005,%202020%20ISSN%201475-7192%20-%20P.6586-6591.)